



ЎЗБЕК ИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ МАХМУД УСМОҢОВГА

Қадрли Махмуд ота!
Сиз қадимий ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб тури — ганч ўймакорлиги соҳасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб келасиз. Сизнинг бетакрор маҳоратингиз жумхуриятимизда савлат тўкиб турган ўнлаб мухташам кошоналарга афсонавий хусн бағишлаб турибди. Уларда халқимизнинг буюк ижодий қудрати, истеъдоди барқ уради. Сиз улкан санъаткор бўлиш билан бирга, ўз хунарини дариг тутмай, ёшларга беминнат ўргатиб келаятган саноқли қалб эгаси, халқ эъзолаган устасиз. Бугунги кунда кўплаб шогирдларингиз Сизнинг энгу илларингизни давом эттириб, ўзбек ганчкорлик мактабини бойимокдилар.

Сизнинг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатингиз ҳаммаша юксак тақдирланиб келди. Давлат мукофотларининг совирдорини, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми деган фахрий унвонларга эгасиз. Қадрли Махмуд ота!
Сизнинг фидойи меҳнатингиз, гайрат-шижоатингиз келажакдаги буюк давлатимизнинг ёш авлодида ҳаммаша ибратдир. Сизни муборак ёшингиз билан сизнинг кўпаймиш саноқли саломатлик, фароғатли умр тилайман. Бахтли мўъсафидлик гаптини суринг, омон бўлинг!
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И. КАРИМОВ

УСТАНИ ШАРАФЛАШДИ

Махмурад ганчкор уста Махмуд Усмоновни кўпчилик яхши билади. Чунки у киши кейинги ўн йилларда дарида пойтахтимизда қўрилган кўпда иморатларни беазада беосита иштирок этган еки махлалар берган. Халқлар дўстлиги, Туркiston каби мухташам саройлар, Алишер Навоий, Ҳамза, Мўқимий номидаги театрларнинг бинолари, кўпда метро бекалариди уста қўлларининг изи бор.
Махмуд Усмонов меҳрибон устоз ҳамдир. У ўзининг ганчкорлик мактабини яратди. Узоқ йиллар "Усто" бирлашмасида фаолият қўрсатиб кўпда шогирдлар тарбиялади.

Яқинда уста 85 ёшга тўлди. 20 январь кун Туркiston саройида устанин таваллуд кўни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Республика Президентининг Ислам Каримовнинг Махмуд ота Усмоновга табаруққ еши билан кўпда йўллаган табригини Президентнинг давлат махлалачиси Х. Жураев ўқиб эшиттирди.

Йиғилишда Махмуд отанин дўстлари, шогирдлари ҳам сўзга чиқиб уни кутлуғ еш билан муборакбод этдилар.

КОТИБИАТ ЙИГИЛИШИ

24 январь кун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг янги йилдаги биринчи йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон халқ ёзувчиси олдди Ёқубов оиди. Йиғилишда ушманнинг 1995 йил учун белгиланган тадбирлари мукоамма қилинди. Бу ҳақда ушман масъул котиби Раҳимжон Отаев ахборот бериб, котибият аъзоларининг нази, нарв ва бошқа кенгашлар режалаштирган мукоамма, мунозара, мушоира, дарида суҳбатлари, янги асарларнинг мукоаммалари билан таништирди.

Бу йил Бехбудий, Аҳмад бекли Матянвар Угли, Ойбек, Собир Абдулло, Уйғур, Сулфия ва бошқа ижодкорларнинг юбилейларини ўтказиш қўллаб-қувватланди. Келаси йили буюк соҳибкорини Амир Темурад таваллудининг 680 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Республика Вазирилар Махкамасининг қарорини ёзувчилар ҳам қатта қўвиб билан қўлиб олдлар. Буюк давлат арбоби, фан ва маданиятнинг хомийсига бағишлаб мушоиралар, мусобақалар, учрашув ва адабий кечалар ўтказиш режалаштирилган.

Ёзувчилар адабиётимизга қатта хизматлари синган ижодкорларнинг таваллуд кунларини нишонлаш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлади. Адабиётимиз ва халқимиз учун хизмат қилган ижодкорга ешидан қатъи назар эҳтиром қўрсатиш, айниқса еши 70 ва ундан ошган адибларнинг ҳурмати ҳаммада қўйиш қўйиш масъалини шундай муофиқларни ўтказиш мақсада муофиқларни эҳтиром этирдилар. Шу масъалалар юзасидан Матякуб Кўшхонов, Хамид Фулом, Мирмуҳсин, Шукрудло, Ҳаким Навоир, Абдуқайим Иброҳимов, Эркин Самарқандлар фикр ва таклифларини айтди.

Котибият йиғилишида сўзга чиққан ёзувчилар Президентининг оиди бораётган ички ва ташқи сиеватини қўллаб-қувватлаб, ёзувчиларнинг муваққиллигини мухташамлаш йўлидаги хизматлари эътироф этилаётганидан мамнуналигини алоҳида таъкидлаб ўтидилар. Шунингдек, йиғилишда қозғири бозор иқтисоди мушкулликларни босиб кечириш қийин бўлган бир вазиятда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини ҳам таъкидланди.

Ёзувчилар уюшмаси котиби Тура Мирзо уюшманнинг қозғири модий ахволи, био масъалалар билан боғлиқ муаммоларни тўғрисида, сўзлади. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Шукур Хол-

3 УРУШ 4 ИҚКИТА БУЛИБ КҮРИНАДИГАН АЕЛ

Таклиф қиламан МУСТАҚИЛЛИГИМИЗГА ҲАМОҢАНГ

Кўпда йиғилишлар, ўзгаришларга бой замонамизнинг шу кунларида яна бир тахсинга лойиқ, тарихий воқеа юз берди. Президентимизнинг буюк бобомиз Амир Темурад ҳазратларининг тутилган қўниларнинг 680 йиллигини байрам қилишга оид Фармони эълон қилинди. Аминмикки, бу фармонда белгилаб берилган тадбирларни амалга оширишда нафақат ўзбек халқи, балки, таъбир жоиз бўлса, тамоми башари тарихида учмас из қолдирган бу буюк зот хизматлари янада еркин равишда юзга чиқадди. Бунинг учун аябта енг шимариб ишлашга тўғри келади. Зеро, рўеба чиқиши керак бўлган вазибалар биргайди. Шу маънода биз тўғта таъбирларлик борадиқти баъзи таклифларимизни билдирмоқчимиз.

Маълумки, Амир Темурад умуман теурийлар даврини ўзида акс эттирган тарихий манбалар вақтида кўпда ёзилган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам олимларимиз иктирида бўлмади, Туркия, Эрон, Хиндистон, Россия, Англия, Франция каби қатор мамлакатлардаги музейлар, кутубхоналар, шахсий жамағарларда сақланади. Биз уларнинг фақат номларинигина биламиз, таркибидида маълумотлардан эса беабақимиз. Ўз-ўзиндан равшани, ҳар қандай мавзунини унга тегишли барча маълумотларини йиғмасдан туриб ҳолисона ўрниб бўлмайдди. Шунинг учун ҳам Амир Темурад ва теурийлар даврига оид чет эллардаги езма манбаларни, аниқроқ, уларнинг микрофильмлари, фотонусхаларини олиб келиш ишнини қозғиролди бошлаш керак. Шундагина расмий тадбирларга чала улар асосида тегишли хулосалар чиқаришга улғирайлади. Бу борадаги тадбирларга ҳукуматимиз беш-қош бўлиши зарур.

Биз Амир Темурад бобомиз ҳақида кўп сўзлаймиз. Шу билан бирга, у кишининг сиймоларини суратчиларимиз ижоди орқали қўғимиз ҳам келади. Амир Темурад сиймосини мўйқаламда тасвирлашга имкон бор деб ўйлаймиз. Биз бу ерда нафақат Ибн Халдуна ва Ибн Арабшоҳларнинг хазратини ташки қўғимизни тарихидида маълумотларини назарда тутмоқчимиз. Бир неча йил олдди Н. А. Мухиддиновдан эшитганларимиз бўйича, Испаниянинг қайси бир шаҳарида музейда Амир Темурад сиймоси акс эттирилган портрет бор экан. Портрет махмур Клавихо баени асосида ишланган, унга сайёх ўз бахосини берган (с сайёх билан бирга Самарқанда бўлган ва Амир Темура кирган расмом томонидан ишланган бўлиши мумкин). Портретнинг тарихий-маданый қиммати қанчалик эканини шундан ҳам билса бўладики, ҳозирда ундан фотосурат олиш ман қилинган.

Яна бир масала. Маълумки, яқин қўниларга, Амир Темурад Хожа Илгор қишлоғида туртилган деб келинади. Аммо хазратини ўғли Шохрўзга атаб ёзилган ва шу чоққача кўпчилик назаридан четда қолган бир қимматли манбада ёзилишича, Амир Темурад тутилган жойининг номи Кеш (Шахрисабз) вилоятидаги Ниёзий қишлоғи экан. Ўйлаймизки, буюк аждодимизга ҳурмат юзасидан, ҳам илмий ҳақиқатга эришиш жихатидан ҳам биз бу масалага оидлигини қиритишимиз лозим.



Ойбек неварас билан Ойбек таваллудининг 90 йиллигига

"ЯХШИ" ДЕГАН КАЛОМ

Мен 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг ўрталарида ўзбек миллатининг буюк шoirи, атоқли ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида бирга ишлаганман. Уша кезларда биз билан бирга ўзбек тилшунослиги ва адабиётининг кека олимлари фаолият қўрсатишар, жамоатчилик ва институтинг айрим зарур ишларини кўпроқ қамини, Музаффар Исоқов, Шукур Носир қабиларга буюришарди. Бундай пайларда мен рахбарлар ва қатталарнинг зарур топшириқларини сидқилдан бажаардим.

Ойбек домла узоқ йиллар институтда чиқадиган "Ўзбек тили ва адабиёти масалалари" (кейинчалик "масалалар" сўзи олиб ташланди) журналининг бош муҳаррири бўлдилар. Малик Қосимов исм-шарифли ўтқири журналист ва таржимон журналига масъул котиб эди.

Қўнилардан бирида, алашмасам, 1963 йил эди, Малик ака мендан "Ойбек домла кўриб қўйган мақолалар бор, юмушнингиздан қайтишда у кишининг уйига кириб, ўша мақолаларини олиб келсангиз", деб илгимос қилидилар. Ёзувчининг уйига бордим. Домла беқасам чопон кийган, бошига чуст дўпписини қўғидириб олган ҳолда ишхонасида ўтирар эдилар... Сўрашиб бўлгач, Малик аканинг саломини етказиб, мақолаларини олиб кетишим лозимлигини айтдим. Домла фақат "Яхши" дедилар-да, ўғилларидан туриб қорғ папка олиб чиқдилар, уни очиб, "Яхши" олиб бериб бериб", деб уни такрор едилар...

Малик ака папкани олдимки олинди, ундаги еттига мақолаларни бири-бири кўздан кечириб, қўлиб юборди. Сабабини сўрадим. У мақолаларнинг устига ёзилган ва низо кекилган белгиларни тушутирига келди: "Мана бу қизил қалам билан ёзилган "Яхши" эса аримайдиганларин". Папкадаги 7 та "Яхши"дан учтаси қизил қалам

Ҳайдарали УЗОҚОВ, тил ва адабиёт илмлари номзоди, жумхурият халқ таълими аълочисини

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ, ЎЙЛАБ ГАПИР

Гонер Умит Туркиядаги таъкиди тележурналистларда "Интерстар" телевиденисининг дам олиш учун мўлажалланган қўрсатувларини олиб боради. Умит яқинда ишаларнинг "қора рўйхати"га тушиб қолди. Бугина эмас, уни суд ҳам қилишмоқчи. Анкара радиосининг хабарларига қараганда, прокуратура Гонерна нисбатан жоний иш қўзғатган. У фуқароларни ҳақорат қилиш ва "ҳавои қилишда чеғаридан чиқиб кетин"да айбламқода Гонер Умит билан бирга "Интерстар" телемаркази биносиди тўполон қўтарган юзга яқин киши ҳам суд қўрсатишга ўтириш керак.

Ҳўш, Гонер Умитнинг ишма учун жазаолишмоқчи? Истамбулда чиқадиган "Миллийат" газетаси воқеани шундай шарҳлайди: Шўх ва еқитой Умит навбатдаги эстрада-тижорат қўрсатувини бошлади. Қўрсатув тўғридан-тўғри эфирга кетаётган эди. Гонер Умит ўраб турган қишлардан бирининг семизгина қорини кўрсатиб ундан суради. Киз эса қўлиб жавоб қайтарди. — Мени ташлаб кетган ўзинг-ку, яна қимдан деб сўраганинг қара. Навбат журналиста келади.

— Нахотки отаси мен бўлсам?
— Йўқ сендан эмас, ўз отамдан, — дедики киз.
Худди шу ерда Умит ўзини тутта оимай қолди ва кутилмаганда: — Азиям, нималар депсан, нахотки сен ишалардан бўлсанг, — деб юборди. Бунинг устига у иша сўзини салбий маъно берадиган даражада емон таллафуз қилди.
— Ордан ҳеч қанча вақт ўтмай турк телевиденисига бўлиб барча каналларига, радиога телефонлар билан бошлайди. Фақс ва телек орқали ҳам бундай беъэъилик учун норозилиқлар билдирилади. Улар Гонер Умитни ҳақоратлай бошлайди. Уни атайин сунийлар ва ишалар ўртасига нифок солишга уринишда айбонлайди.
Шу кўнингинг ўнла кўп минг сонли ишалар тўласи қўлирига таеклар ўшлаб Истамбул марказидида "Интерстар" телемарказига йўл олдилар. Улар "Умит — фашист", "Умит — бузғунчи" деб кичкирганча телемарказга ҳужум қилдилар.
Туркия инсон ҳуқуқлари давлат вазири Азамат Кейло ўғли тележурналистинг бу "ҳаволи"ни 20 миллионли ишаларни ҳақоратлашди, деб баҳолади

КИМ БИРИНЧИ ЎРИНДА?

Яқинда Иохансбургда чиқадиган "Ситизен" газетасида бутунжапон банкнинг 1993 йил йилларида бағишланган маълумотлари эълон қилинди. Унда езилганча 1993 йилда аҳоли жон бошига олган дароматлар ҳисобланганда швейцарияликлар биринчи ўринни ошпаган. Бу мамлакатда йиллик даромад ҳар бир киши ҳисобига 36410 Америка долларига тўғри келган. Иккинчи ўринни люксембургликлар (35850 доллар) эгаллашган. Бойликда японлар ҳам европарликлардан қолшимайди. Бу мамлакатда аҳолининг жон бошига даромати 31450 долларни ташкил этган. Дуненинг энг бой мамлакатларидан бири саналувчи АКШ эса бу рўйхатнинг еттинчи ўринини эгаллаган ҳолос.
Соёик СССР ҳудудида ташкил топган давлатларда эса аҳоли хали унчалик яхши эмас. 1993 йилда эстонлар 3040, белорусликлар 2840 ва россияликлар 2350 доллар даромад қилишган.

Ер юзидида энг камбағал давлат Мозамбикдир. Бу мамлакатда ҳар бир аҳоли йил давомида бор-йўғи 80 доллар қолган.
Радиотехника, электроника ва бошқа соҳаларда габин орта қолдириб кетаётган японлар узоқ умр кўришда ҳам ўнб қетди. Ҳозирги кунда японлар ўртача 79 йил яшамоқдалар. Канада, Гонконг, Исландия, Швеция ва Швейцарияда ўртача еш 78, АКШда эса 77 ни ташкил етди. Гвинея Висауда одамлар ўртача 39 йил яшайдилар ҳолос.
Кун чиқиш мамлакатига боғлар ўлими камлиги жихатдан ҳам дунёда биринчи ўринда туради. Бу ерда ҳар мингта чақалоқнинг бештаси ноубуд бўлади. Афронистон ва Мозамбикда бу кўрсаткич 162 ни ташкил етди.

"ТРУД" газетасида босилган материаллар асосида тайёрланди

МАХМУДХЎЖА БЕХБУДИЙ ВА ИСТИҚЛОЛ

Қалбиди жонажон юртига, она халқиға сўнмас муҳаббат ошаи жиш урган биргина инсон ҳам улғур ишларни рўебада чиқариши, бутун бир ўлкани мудроқликдан уйғотиши, ёз ортидан юзларча, мингаларча фидоийларни ераштириши мумкин. Махмудхўжа Бехбудий ана шундай инсон, "доҳийий Турок", "устоди олийшун" (С. Айқий) эди. Фақоқати Туркistonни уйқудан уйғотган бу даҳонинг мардона ҳавоти, унутилмас ишларини шунчаки санаб ўтиш учун ҳам камиди бир салмоқли китоб ёзиш керак бўлади. Мустақилда Ўзбекистонимизда энди маърифатпарвар бобомиз ҳақида мазмунли китоблар, баркамол санъат асарлари яратилиши шўхасиз. Яқинда — 19 январь оқшомиди Тошкентдаги Киночилар масканиди жамоатчилик кўрғиси бўлиб ўтган "Бехбудий" ҳужжатли фильми шу ҳайрли йўлда қўйилган илк дадил қадамларданбир. Асар номойиш этилиши олдидан фильмининг сценарий муаллифи санъатшунос Дилбар Рашидий "Бехбудий" нинге яратилиши тарихи ҳақида сўзлади. Қўрққда фильм режиссери Ф. Шодмонов, илмий маслаҳатчи, матн муаллифи профессор В. Қосимов, оператор К. Ризаев қатнашдилар. Биз бу қисқа хабарда "Бехбудий" ҳужжатли фильмига баҳо беришмоқчи эмасмиз, бироқ асарнинг шиддат билан давоми этиб, улғур маърифатпарвар ҳақидаги тасаввуримизни бойитишини таъкидлаб ўтмоқчимиз.
Бехбудийлар — жадидлар таҳқимизни боситмақка қўлишдан овоз, эркин кўрмоқчи эдилар. Улар бу муқаддас йўлда ишрич жонларини ҳам аямидилар. Қўрққ кунги номойиш этилган иккинчи асар — "Истиқлолим — истиқболим" ("Мустақиллик") ҳужжатли фильми мустақиллигимизнинг уч йиллиги муносабати билан яратилган. Фильм тўғрисида сценарий муаллифи О. Шатумовский қисқача гапирди.
"Истиқлолим — истиқболим" фильмида мамлакатимиз кейинги уч йил ичиди эришган ютуқлар эҳтирос билан кўрққ қилинади.
С. МАХМУД



Қор ёғди

БОРИ ИШДА АДОЛАТ ТИЛАБ...

Хозирги Бўстонлик туманининг Хандаклик қишлоғида туғилган Сирожиддин Сидкий Хандаклик (1884 — 1934) Тошкент адабий мухитида тарбия топди ва ижод қилди.

Сидкий ижоди демократик адабиётда маърифатпарварлик йўналиши аж рафта кўтарилган даврга тўғри келади. Унинг овози замонасининг атоқли маърифат тарғиботчилари даврасида баралла эшитилиб турди ҳамда маърифатчи адиб сифатида шаклланди.

Туркистонда снесий-маданий тараккиёт мураккаб ўтиш жараёнини бошдан кечирётган пайтда Сидкий ижоди камол топди. Бу даврга келиб тошбосма маънавларнинг ажудга келиши, таржимачиликнинг ажв олиши, хаттолик санъатининг тарвожилиши ижодкорлар фаолиятига ижобий таъсир кўратди.

Сидкий Хандакликнинг "Шевкет", "Шевкет", "Сидкий" каби тахаллуслар билан қалам тебрати, салмоқли адабий мерос қолдири.

Хандакликнинг газаллари инсоний мухаббатни куйласа, "Мезон шариат", "Тажриба имом Аъзам", "Қиссан Таъзим сабо" каби насрий рисолалари дини ислом маърифатини халқка етаклашда бениҳоя содда баён тари билан ажралиб туради. Бундан ташқари, одоб-ахлоққа оид бир қанча рисолалари, тарихий воқеаларни ўз ичига олган достонлари ҳажвий асарлари, масаллари ҳамда араб,

форс тилларидан қилган ўйлаб таржималари Сидкий Хандакликнинг серкира ижодкор бўлганидан далолат беради.

Сидкий шеърларида аввал анъанавий лирик ҳақрамон бўлган ошқини, кейинчалик ижтимоий руҳли асарларида илгор фикри инсон қиёфасини, меҳнаткаш халқ образини ва уларга қарама-қарши бўлган бир қанча салбий образларни яратди. Насрий рисолаларида эса тарихий шакллар, пайғамбарлар, адолатли ҳукмдорлар, онла хотиржамлининг посбонлари бўлиш сабр-бардоши аёллар сиймолари катори мўъжизавий ва афсонавий жондорлар образлари талерсини ҳам учратами.

Сирожиддин маълумнинг насрий рисолалари, ҳикоя ва масалларида адибнинг таълимий-тарбиявий қарашлари акс этган. Бу асарлар пухталиги, лиҳиз ва фикрининг равои филоли билан XX аср ўзбек адабиётида то маънавий ҳикоя жанрининг қарор топишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Замон шорлари, адиблари ва зиеллари қайси мавзу еки шаклда қалам тебратмасилар, Сидкий ҳам шу мавзуларда куч ва иқтидорини синаб кўрган ҳамда ўз даври адабиётида мавжуд бўлган деярли барча жанрларда ижод этган. Бу қалам соҳибининг ҳар бир жанрни тарихий воқеаларни халқий адиблар жанрларининг тараккиётига қўшган ҳиссасини

алоҳида таъкиллашимиз лозим.

"Сад иршоид мулло Сидкий Хандакликнинг ехуд Сад қонун" рисоласи фикрининг далили бўла олади. Рисола араб, форс ва туркий адабиётда кенг тарқалган анъанавий ҳикоятлар жанрлиги асарлар қаторида ўзига хос ўрин тутаяди. Адибнинг бу рисоласи 1914-15 йиллари ёзилган бўлиб, унинг ягона дастхат нусхаси хозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарҳунослик институтини фондига Р-7630Ш рақами остида сақланади. Асарнинг бошқа кўчирилган еки литографик босма тарзида алоҳида босилиб чиққан нусхаси бизга маълум эмас.

Сидкий рисолин "Сад иршоид мулло Сидкий Хандакликнинг ехуд Сад қонун" ("Мулло Сидкий Хандакликнинг юз насихати еки Юз қонун") деб номлаган. Аммо сақланаётган қўлемда кюта эмас, олтиштагина ўғит берилган.

"Сад иршоид..." хали илимий жиҳатдан ўрганилмаган, фақат 1984 йилди нашр этилган "Навбахор" тўпламига (Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети) "Қайтлар" номи билан киритилган 38 ўғитдан 29таси шу нусхадан олинган.

Ўғитларда хаёт ўзининг паст-баландликлари, эъгулик ва найранглари билан ифода топган. Адиб инсон зотига ғазиллар ҳам, заифликлар ҳам бегона эмаслигини уқтиради. Шу билан бирга, у кишиларни доно, хушёр, кеңириши, илимди, мард бўлиши, адолат ва хусуматдан сақланиши,


аёлларга шафқат кўрсатишга чақиради. Рисоладаги ўғитлар шунчалар ранг-барангки, улар Расулдуллох хамиларига, қалим д о н и ш м а н д л а р н и й и г п а й л -насихатларига ва халқ донолиғи дурдоналарига хамохангидр.

Асардаги 18 ўғит шеърли парча билан яқунланган. Бу шакл насрининг кўп асри анъаналарида мўъвофик келади. Шеърлар ҳикоятлар учун махсус битилган ва хар бир мудоҳазанинг фалсафий хулосаси бўлиб хизмат қилади. Сидкий "Сад иршоид..." ўғитларида бадий санъатлардан ҳам жуда кенг ва ўринли фойдаланган. Бевъзан бир ўғитта бир неча бадий санъатлар бараварига, усталик билан ишлатилган ҳоллар ҳам учрайди.

Сидкий ўғитларида халқ мақолларидан мижирона фойдаланган. Бунда у мақолларни бадийи хайта ишлаган ҳолда қўллашни афвал кўради. Масалан, "Агар дўст мингларча бўлса, кам санаса бўлур ва агар душман бир киши бўлса ҳам кучока билмоқки зарур".

Инсоннинг буюклиғи Оллох унга ато этган ақл-идрок туғайлидир. Аммо бу ақл кимларадир муайян вақтгача мудрок ҳолатда бўлиши мумкин. Маънавий уйғонши ақл кўзининг очилиш босқичидир. Бу йўлда "Сад иршоид..." рисоласидаги хаётийлик, табиийлик ва самимийлик билан йўғрилган ўғитлар мақсадга етишишни истовчи — ҳомжўй инсонлар учун амалий сабоқ бўлиб хизмат қила олади.

Рамида ЖАВҲАР



—Мен сизга айтсам... Халқ артисти Зкир МУҲАММАДЖОНОВ ва врач Масъуд ҚОДИРИЙ

ЯНГИ РҮБРИКА:

Дунё Сир-Синоат

Биз билан сиз яшаб турган дунё — гаройиб воқеа-ходисотларга бой бўлган сирли-тилсимли бир ҳилқат, мўъжизаларга тўлиб-тошган бир макондир. Теварак-атрофимизда шундай ажабтовур ходисалар рўй бериб турадики, кўриб кўзингизга, эшитиб кўлонгизга ишонмай қоласиз. Ваҳоланки бундай мўъжизамононд воқеалар минг-минг йиллардан буен юз бериб келган, одамларни хайратга солган, то тафраккур ила турга етгунча, бу хил сирлар кўнгилларга "ширин" безовталиқ солиб турган. Ўйлаб-фикрлаб ўтириб, эртақлардаги сеҳрли ҳолатлар, қанот чиқариб учган ослар, бир эврилиб одамга, бир эврилиб жонворга айланшлар, азиз-авлиеларнинг кўрсатган қароматлари ҳам қандайдир илимий-хаётий асосларга эга эканлигига ишонасиз, гаройибро мўъжизалар шундоқ енгинангизда ҳам бор

эканлигини хис қиласиз.

Биз йил бошида "Дунё тўла сир-синаот" деб номланган янги рухн остида мана шундай ҳодисотларни еригиб боршини режалаштирдик. Бунда, жаҳон матбуотида босилган факт ва материаллардан фойдаланиш ниятидами. Яна бир гап: хуш, мана, шундай гайритабиий туюлган, шов-шув бўлган, аслида эса хаётий, фанний асосларга эга ходисотлар сиз яшаб турган хуудларда ҳам рўй берганими? Узингиз шундай воқеаларга гувоҳ бўлганмисиз, шулар ҳақида езиб юборинг. Энг сараларини танлаб, шарҳлаб, эълон қилиб борамиз.

Дунё тўла сир-синаот...

Тасаддуқ улдурки, хар на ешурун тутқонингн ўртага қўйгайсен ва хар на қўлуғида бўлса, бергайсен ва хар наки санга юланса, сабр этгайсен.

Ихлос улдурки, хар на яхши иш қилсанг, худодин сабоб талаб қилгайсен ва раво кўрмагайсенки, аниг бирла сени халқ ед қилгайлар ва аниг учун сени жўнг ва катта тутқайлар.

Жувонмардлик улдурки, биродарларингдин воқеъ бўлган хато ва езуқ борасида аларни маъзур тутгайсен ва алар бирла андоғ муомала қилгайсенки, уз сўрагудек бўлмагай.

Мол барча халқнинг махбуби эрур. Кимда ким мол(дор) бўлса, ани ҳамма эъвоқ қилурлар ва қачонки ани қўлидин моли кетса, бирор кимса аниг олдиға келмагай. Хар на қадар молинг бўлса, ўзинг учун сарф қил ва андин фойда элти, зероки, мол умрининг осийоши ва роҳати учундир, умр мол йиғмоқ учун эмасдур.

Қачонки халққа насихат қилур бўлсанг, керакки аввал ўз нафсинга насихат қилгайсен. Агар нафсинг амру фармонингдин буюн тўлғамаса, ўзгаларга насихат қилгали турғил, йўқса худон таолодин уетқил.

Шафқатли насихатчи улдурки, мардумни хайру салохга тарғиб қилгай, туз кабиқим, гўшти салохга кетургай, на онки, шарр бирла фасодга тезлагай, чибин кабиқим, гўшти фосид қилур.

Хар киши етти нимарсани етти нимарса узра ихтиёр қилса, эранлар мартабасига эришур. Фақирликни бойлик узра, очликни тўқлик узра, шикасталиқни эрлик узра, хорлиқни азаллик узра, тавозеъни манманлик узра, гамни шодлик узра, ўлумни тириклик узра.

Халойқнинг донороқи улдурки, худонинг едидин гофил бўлмагай ва ўлумни ўзига хамрох билгай ва биронинг борасида яхшилик қилиб ани хотирини фаромуш қилгай.

Оламийлик улдурки, кимки сенига емонлик қилса, ани ўрнида яхшилик қилгайсен ва кимки сенингу зуулса, анга улангайсен ва кимки ноумидлик хатини(нг) номинг узра чекса, ани эхсонининг доирасига ўзинчи олгайсен.

Хар таоло уч фирқани душман ва уч фирқани душманроқ тутқай: фосиқни душман тутқай, фосиқ олимни душманроқ тутқай; бахилини душман тутқай, бахил бойни душманроқ тутқай, мутакаббурни душман тутқай, камбағал мутакаббирни душманроқ тутқай.

Хар таоло уч фирқани дўст тутқай ва уч фирқани дўстроқ тутқай: порсо ва обидин дўст тутқай, порсо йағитини дўстроқ тутқай; жувонмардин дўст тутқай, жувонмарди фақирини дўстроқ тутқай, тавозеъ қилғувчини дўст тутқай, тавозеъ қилғувчи иззат эгаларини дўстроқ тутқай.

Агар хар таоло хоҳласа, дўстлардин баъъсининг иззати пардасининг остида ағер назарининг ешурун тутқай, зоҳирани ганийлик ва борлик либоси бирла ешургай, токи зоҳиранилар аларни дунеталаб гумон қилгайлар, бу сабаб бирла аларни ҳолларининг жамоли номахрамлар кўзининг ешурун қолгай.

Дўстлик улдурки, санга инъом қилгай. Дўстликдин ошуқча иш будурки, санга инъом қилмагай ва ўз ҳақининг ўзунга қўйгай.

Холис дўст улдурки, суҳбатлашмоқда маълум

бўлмагай, виджонлиқда унутмагай, меҳнат бирла роҳатда ўзгача бўлмагай, хозир ва гоийблукда буланлмагай...

Рост дўст улдурки, вақтики сени кўрсаки, тўғри йўлдин озиб, туген ерасиндин сарғирон бўлиб исен чорусида йикилибдурган, сани иршод ва хиддатинга саяй қилгай. Бу борада санга ери ва мадад бермоқки ўзига вожиб билгай.

Хар ким беайб дўст истаса, анга дўст топилмагай ва кимки дўста хар хитоб учун итоб қилса, душман қўйгай. Кимки дўстлардин ул нимани кўз тутсаки, фойдаларини хосил қилмоқда ани ўз нафсларининг муқаддам тутқайлар, андог кимарса доимо ранжур ва аламзада бўлгай.

Икки душман орасида андог сўз қилғилки, агар дўст бўлсалар шарманда ва уетлиқ бўлмагайсен. Ва хар на сиринг бўлса, дўст бирла ароға қўйма, зероки, эхтимоли борки, бирдан душман бўлгай. Ва хар на ямонликқа

Сидкий ХАНДАКЛИҚИЙ САД ИРШОД ЭХУД САД ҚОНУН

Қудратинг етса, душманга еткурма, чунки бир вақт дўст бўлса, ажаб эмасдур.

Дўст бир жафо сабаби бирла душман бўлур ва душман муруват ва сахо бирла дўст бўлмагай, агар душманларни муруват ва эхсон бирла дўстлик доирасига келтура олмасанг, керакки, дўстларни ямон қилгилар сабаби бирла душман қаторига санамагайсен.

Агар бирова дўст бўлмоқ, хаёли кўнлунга тушса, аввал ани ахлоқ нақдининг(нг) ғазаб чоғида эътибор маҳакига урғил. Агар холис ва тоза чиқса, аниг бирла дўстлик қилгай. Йўқ эрса, ани ўз сирингдин огоҳ қилмагай, то кимки сен билан борхо ва неча наваб суҳбатлашмасан, аниг бирла дўстлик риштасини боғламаки, синамаган кишини дўст қилгали бўлмагай.

Халойқнинг бадтароқи ул кишидурки, бегуноҳ халқни душман тутқай, мардумга изо ва жафо еткурмаки раво кўрғай ва кишининг хато ва езуқидин ўтмагай, узрни қабул қилмагай.

Халойқнинг донороқи улдурки, вақтики бир қобил дўстини қўлга келтурса, хар фойда тўғрисида ани ўзининг муқаддам тутқай.

Хар кимки, ўз тенги билан чиқшса ва мадора қилса, душман қўлидин саломат бўлур, ахлоқ ва сифотда дўстлар бирла мувофиқ бўлса, аларнинг муҳолифатларининг амон бўлур.

Содик дўст улдурки, қачонки санинг айбиндин огоҳ бўлса, ани изхорига саяй қилгай. Агар сирингдин огоҳ бўлса ешургай. Санинг тўғринда эхсон қилса, дилда тутмагай ва санин анга бирор фойда етса фаромуш қилмагай ва санин бирор хато ва норасоликни фаҳм қилса, юз ўтурмагай ва уз айтсанг қабул қилгай.

Хар дўстини дунелик гарази бирла дўст бўлур бўлса,

оз нимарса сабаби бирла душман бўлур ва хар дўстини рост дўст — ул дунелик вақти бирла айрилмагай. Ва шижоат ахлини жанг майдонига синаса бўлур ва диянат арбийони муомала бирла озомиши этса мумкиндурур. Ва хотун бирла фарзандларинг меҳру вафосини қашшоқлик ва камбағал чоғида имтиҳон қилса бўлур. Ва дўстларинг ҳақиқатини мисобат қиларида билса бўлур.

Хушер киши ул эрурки, агар оламнинг ҳаммаси ани хусуматига турсалар аниг ҳеч ким бирла хусумати бўлмагай.

Дўстинг сафарга кетганда андог ед қилғилки, сени дўстдорлиқингн ед қилгай ва хотирининг унутмагай.

Уч нимарсага уч нимарсадин чора йўқдур: подшоҳка сиеват лозимдурур, вазира омонатдорлик лозимдурур, фуқарога итот ва фармонбардорлик лозимдурур.

Керакким, шах ўлгай сиеват била, Бори ишда бўлгай адолат била. Вазири омонатлик ўлгай ани, Дабири диянат(лик) ўлгай ани. Раят керакким итот қилур Ки, бу иш аро яхши роҳат қилур.

Уч нимарсанинг бақоси бўлмагай: баҳс ва жадалсиз илм, ва тижоратсиз мол, ва сиеватсиз мулк.

МАСНАВИЙ: Илм ўрганмоқ тиларсен, айлағил жаҳду жадал. Токи бўлгай мушкулнингн барчаси онинг-ла хал. Гар тўла бўлсун десанг молинг, (тижорат) айлағил, Барқарор ўлсун десанг мулқинг, сиеват айлағил.

Офият, яъни саломатлик уч қисмдур: офияти тан ва офияти мол ва офияти дин. Таннинг офияти кам емоқда ва кам жимоъ етмоқда эрур ва молингн офияти алон закот етмоқ ва ҳожат элини(нг) сийламоқда бўлур ва диннинг офияти нафсингн хавосидин қочмоқ ва кўнлуғини кина бирла хасаддин пок етмоқда эрур.

Тўрт нимарса нодонлик далили турур: бири ўзининг донороқ била жанжал қилишмоқ, иккинчиси синамаган кишига ишонмоқ, учунчи хотунлар мақридин амин бўлмоқ саяй, тўртинчиси еи болалар бирла ўлтурушмоқ.

Эранларга ҳақорат кўзи бирла боқмағил, эътибор кўзи бирла боқил, хотунларга шаҳват кўзи бирла қарамағил, шафқат кўзи бирла қарағил.

Суҳбат узра узлатни ихтиёр қилғилки, агар ўзунгдин кичик бирла уфдат бўлсанг, сени жаҳли бирла ранжа қилур ва ўзунгдин катта бирла уфдат бўлсанг, санга такаббурлук қилур ва агар ўз тенгинг бирла уфдат бўлсанг санга хасад элтар.

Қобил кишини тарбият қилғил ва ноқобилни тарбият қилмағилки, қобилиятлиқни тарбият қилмасдан ноқобил кишини тарбият қилмоқ зулм турур.

ЛУҒАТ

Жўнг — катта юккаш туя; жувонмардлик — мардлик; езуқ — гуноҳ, айб; шарр — емонлик; фосид — бузуқ; эранлар — мардлар; фосиқ — емон ишлар қилғувчи; порсо — емон ишлардан ўзини сақловчи; малул — малолланган; ера — яра; сарғирон — тангитан; иршод — тўғри йўл кўрсатиш; хиддат — тезлик; саяй — ҳаракат қилиш; итоб — қаҳр-ғазаб; маҳак — кумуш ва олтинларнинг тозаллигини ажратувчи тош; борхо — тақорор; изо — уялтирмоқ.

МУАССИСЛАР: **ЎЗБЕКИСТОН** РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, **ЎЗБЕКИСТОН** ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР **ЎЗБЕКИСТОН** РЕСПУБЛИКАСИ **“ШАРҚ”** НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Манзилмиыз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси 32

Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хаглар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56

“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (назм ва наср бўлими мудирини), Дадахон ЕҚУБОВ, Одиал ЕҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳоидир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖўРАЕВ (санъат бўлими мудирини), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудирини), Шароф УСНАТДИНОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосарини), Бекмул ЭГАМҚУЛОВ (масъул қотиб)

Навбатчи муҳаррир — Музаффар АҲМАД

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин